

Ш. А. Ҳайдаралиев,

Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

Миллий хавфсизликдан минтақавий хавфсизликка

Ҳозирги даврда Марказий Осиёда стратегик барқарорликни таъминлаш, минтақада интеграцион жараёнларни кучайтириш, бу ҳудудда жойлашган давлатларнинг иқтисодий, сув- энергетик, экологик муаммоларининг ечимни топишда яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қуйиш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Шулардан айниқса, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлашда минтақа давлатларининг ҳамкорлиги зарурдир. Сўнги йиллар мобайнида Ўзбекистон минтақада хавфсизликка эришиш ва узоқ муддатли ҳамкорлик йўлида ўзаро оқилона муроасага тайёр эканлигини бир неча бор исбот қилди.

Бу борада Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизни муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз»¹ деб таъкидлаган эди. Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, қуролли можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида таклиф ва ташаббуслар билан чиқиб, БМТ билан ҳамкорликда қатор самарали ишларни амалга оширди. Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти, ўнлаб давлатлараро ноҳукумат халқаро ташкилотлар билан ҳам кенг ҳамровли алоқаларни изчил ривожлантирмоқда. Ўзбекистон пойтахти Тошкент бугунги кунда халқаро нуфузли ташкилотлар иштирокидаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича муҳим халқаро анжуманлар марказига айланди. Айниқса, халқаро ташкилотлар - ЕХХТ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқалари ривожланди.

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демокралаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 3-жилд. – Б. 59.

БМТга аъзо бўлишдан мақсад Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик, осойишталик ҳамда тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини жалб қилишдан иборатдир. 1993 йил 28 сентябр БМТ Бош Ассамблеясининг 48- сессиясида Президент И.А.Каримов нутқ сўзлади, унда диққат эътибор Орол денгизи фожеасига ва минтақадаги можароли ўчоқларга қаратилди, биринчи бор Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси илгари сурилди. Бу ташаббус 1996 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ЕХХТ учрашувида йиғилганлар диққатига ҳавола этилди, 1997 йил 14–16 сентябр кунлари Тошкентда юқоридаги мавзуга доир анжуман ўтказилди. 1999 йил 22 октябрда Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш масаласига доир БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши аъзолари номидан Баёнот эълон қилинди, 1999 йил 19-20 июль ойида «6+2» гуруҳининг бу масалага доир учрашуви бўлиб ўтди.²

БМТ Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик» деб ном олган сессиясида Президент И. А. Каримов нутқ сўзлади, унда «Бугунги кунда минтақалар хавфсизлигини тامينламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан» деган эди³.

Минг йиллик Ассамблеяда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақирик, биринчи сессиясида, яъни 2000 йил 22 январда сўзлаган маърузасида хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш соҳаларига алоҳида тўхталиб ўтган эди. БМТ билан фаол ҳамкорлик ва Ўзбекистоннинг обрўсининг ортиб бораётганлигини биз Президент И.А.Каримовнинг «Минг йиллик Ассамблеяси» раиси ўринбосарлигига сайланишида ҳам кўришимиз мумкин.

² Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар. – Тошкент: Академия, 2005. – Б. 9.

³ Каримов И. А. БМТ Бош Ассамблеясида сўзланган нутқ // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 9-жилд. – Б. 106.

Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг ташаббуси билан ташкил этилган "Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона" Халқаро конференцияси ишида жаҳондаги 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотнинг мухтор вакиллари қатнашди. Булар орасида БМТ, ЕХХТ, НАТО, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, "Ислом конференцияси" Ташкилоти, Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш бўйича агентлик ва бошқа халқаро тузилмалардир. Ушбу анжуман ишида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — ядро давлатлари ҳисобланмиш беш давлат вакиллари фаол қатнашдилар. Бу эса Тошкент конференцияси катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Тошкент конференциясида қатнашиш учун Европа Иттифоқи мамлакатларининг катта делегацияси ҳам келди. Уларнинг интеграция ҳамда хавфсизлик ва тинчлик ўрнатиш борасидаги тажрибаси Марказий Осиё давлатлари учун айниқса қадрлидир. Конференциянинг ҳамма иштирокчилари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона ташкил этиш ҳақидаги ғоясини қўллаб-қувватлаётганликларини маълум қилдилар.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов "Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона" Тошкент конференциясида сўзга чиқиб, бундай деди: "... жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда ядро хавфидан огоҳ қилиш, унинг олдини олиш борасидаги ташаббус ва чора-тадбирларга жиддий эътибор билан қараши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим. Биз Марказий Осиё — дунёдаги аҳоли энг зич жойлашган минтақалардан бири эканини, аҳоли ҳар томонлама ночор, табиий ҳалокатлар тез-тез содир бўлиб турадиган шароитда истиқомат қилишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак"⁴.

⁴ Каримов И. А. Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона» халқаро конференциясида сўзланган нутқ, // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. . 6-жилд. – Б. 356.

Президент И. А. Каримов ташаббуслари натижасида 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинск шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, ва Туркменистон давлат раҳбарлари томонидан Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилинганлиги ҳақидаги шартнома имзоланди. Шартномага кўра томонлар ядро қурилини ишлаб чиқаришни, сотиб олишни, худудларига жойлаштиришни тақиқлаш каби мажбуриятларни ўз зиммаларига олдилар⁵. Ўзбекистон томони мазкур шартномани 2007 йил 2 апрелда ратификация қилди⁶.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ЕХХТ нинг Хельсинки (1992 йил), Будапешт (1994 йил), Лиссабон (1996 йил), Истамбул (1999 йил) саммитида қатнашди ва нутқларда қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Булар жумласига, Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш, можароларни бартараф этиш, қурол-яроқ контрабандасига қарши курашда ЕХХТ нинг иштирокини кенгайтириш, халқаро Терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш каби масалалар киради.

1994 йилнинг декабр ойида Будапештда ЕХХТга аъзо давлатлар бошлиқларнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти ҳам бу нуфузли анжуманда иштирок этди. Бутун дунё аҳли кўз ўнгида она сайёрамизда барқарорликни ҳукм суриши учун фидойилик қилаётган давлат раҳбари сифатида кенг жамоатчиликда ижобий фикр уйғотди.

Айниқса, Ўзбекистон Президентининг Будапешт минбаридан туриб айтган ушбу гапи жаҳоний аҳамиятга молик, давр қиёфасини акс эттиргани билан ажралиб туради: «Бизнингча, можаролар бўлаётган жойлардаги барча тинчликпарварлик ишлари фақатгина ЕХХТ нинг мандати бўйича амалга оширмоғи керак. Назаримизда давлатларнинг умумий қирғин қуролиларини тарқатмаслик ва айтган бўлардимки, бу қуролиларнинг сайёрамиз бўйлаб

⁵ Халқ сўзи 2007 йил 3 апрель.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – № 4 (1372). – Б. 9.

ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан олган мажбуриятларга қатъий риоя этишга эътиборни кучайтириш зарур...»⁷.

Бу ўринда Ўзбекистон Президенти ўз позициясини аниқ тиниқ қилиб баён этганди. Айниқса, Ўзбекистонга чегарадош давлатлардаги аҳволни тўғри баҳолаб шундай деганди: «Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ва Тожикистоннинг ўзидаги нотинчликни ҳисобга оладиган бўлсак, худудимизга экстремизм ва ақидапарастликни бостириб кириш хавфига йўл қўймаслик биз учун – ҳаётий аҳамиятга эгадир...»⁸. Ўзбекистон давлати раҳбари биргина Ўзбекистонни эмас, балки минтақадаги мамлакатларнинг келажаги ва манфаати юзасидан келиб чиқиб сўзлади. Қолаверса, Афғонистондаги урушга жамоатчилик фикрини қаратди. Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш бевосита Афғонистон масаласи билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади.

Ташкилотнинг Лиссабонда бўлган саммитида мамлакатимиз раҳбари минтақамизда барқарорликни мустаҳкамлаш, можароларни бартараф этиш, курул-яроқ контрабандасига қарши курашда ЕХХТнинг иштирокини кенгайтириши таклифини илгари сурган эди. Бу таклиф саммит сўнгида қабул қилинган Лиссабон декларациясида ўз ифодасини топди⁹.

1996 йил 3-4 декабрда Ўзбекистон ташаббуси билан ЕХХТ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Лиссабон декларациясига Марказий Осиё минтақасида барқарорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда можароларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш ҳақидаги банд киритилди. Жумладан декларацияда шундай дейилади: “ Биз ЕХХТ да Марказий Осиё давлатларининг муҳим роль ўйнашини таъкидлаймиз. Биз ЕХХТ нинг бу минтақада демократик тузилмаларни ривожлантириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва

⁷ Каримов И.А. Барқарор тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг Будапештда бўлиб ўтган конференциясида сўзланган нутқ.// Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 2-жилд. – Б. 157.

⁸ Каримов И.А. Барқарор тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун. ... – Б. 156.

⁹ Кубаев О. Мақсад- минтақавий хавфсизлик // Жамият ва бошқарув. – 2002. – № 1. – Б.70

низоларни олдини олишга қаратилган саъй – ҳаракатини фаоллаштириш мақсадида миз¹⁰.

Республика миз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида “мустақилликка эришгани миздан бери ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз дунё хамжамиятида ўзининг муносиб ўрин эгаллаганлигига¹¹ алоҳида урғу берган эди. Бу, биринчи навбатда, халқаро сиёсий майдонда олиб борилаётган ҳар томонлама пухта ишланган ташқи сиёсатимиз билан боғлиқдир. Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан оқ Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан иборат бўлиб келмоқда.

¹⁰ ЕХХТ Олий даражадаги Лиссабон учрашуви. 1996 йилги Лиссабон ҳужжатлари // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар (тўплам) , Мухаррир А. Саидов – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 451–480.

¹¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демокралаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир... – Б- 59